

ҚИЗЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИГА ХОС САЛБИЙ УСТАНОВКАЛАРНИНГ ОИЛАДАГИ ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИ

Нодира Мамасадиқова

НамДУ Психология(фаолият турлари бўйича)

Йўналиши 2-босқич талабаси

Аннотация: Мақолада ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятларига сингиб кетган айрим салбий установкаларнинг қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашда шахслараро мунобатга кўрстадиган таъсири ҳамда уни ижобийга айлантириш йўллари ёритилган.

Аннотация:В статье говорится о некоторых отрицательных установках, которые вошли и внедрились в этнопсихологические свойства узбекского народа, их роль в подготовке девушек к семейной жизни, в межличностных отношениях, а также о путях достижения положительного результата в этом вопросе.

Annotation:The article discusses the impact of some negative attitudes, which are ingrained in the ethnopsychological characteristics of the Uzbek people, on interpersonal relationships in preparing girls for family life, as well as ways to turn it into a positive one.

Калит сўзлар: Установка, салбий установка, оилавий ҳаётга тайёрлик, ўзбек халқи, этнопсихологик хусусиятлар.

Оиланинг мустақкам бўлиши ҳар бир жамият ва давлатнинг муҳим устувор вазифаларидан саналади. Жамият ривожлангани ва муҳим қарорлар чиқарилиб шу борада тизимли ишлар олиб борилаётгани билан ажримлар сони камайиш ўрнига ортиб бормоқда. Ажримларнинг олдини олиш, оиладаги муаммоларнинг сабабини ўрганиш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳолатини яхшилаш, касб-хунар эгаллашларига кўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Зеро мустақкам оила учун ёшларнинг тайёрлиги, бу борада билимларни эгаллаган бўлиши, тўғри

тасаввурларининг шаклланганлиги ва ўрнатилган установакалар кўрилажак янги келажак учун муҳим аҳамият яратади. Айниқса, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашдаги салбий установакалар оиладаги шахслараро муносабатларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Установака сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб "set" кўрсатма бериш, англанилмаган майллар, йўл-йўриқ кўрсатиш деган маъноларни англатади. Установака-инсоннинг ўзи билмаган ҳолда ён-атрофидаги инсонлар ва воқеликни баҳолаши ҳамда уларга нисбатан муносабат билдиришидир.. Психологияга установака тушунчасини грузин психология мактаби етакчиси Д.Н.Узнадзе олиб кирган. Узнадзе установакага қуйидагича таъриф берган "Установака-кишининг теварак-атрофдаги одамларга ёки объектларга қандай муносабатда бўлиш, уларни маълум даражада идрок қилиш, сезиш, баҳо бериш ва уларга нисбатан қандайдир ҳаракат қилишга тайёрлигини англатувчи ҳолатдир". [1]

Демак установака инсоннинг қисман психик онгсизлик ҳолати бўлиб, субъектнинг маълум бир фаолиятга, муайян вазиятга ва шахсга нисбатан ички тайёрлиги ҳамда шунга хос тарзда ҳаракатларни бажариши ҳисобланади.

Установакалар ижобий ва салбий турларда бўлади ва шунга кўра ифодаланади.[3] Инсондаги салбий установакаларнинг мавжудлиги ҳаётида соғлом психологик муҳит ҳамда шахслараро муносабатнинг бузилишига таъсир кўрсатади.

Ҳар бир миллат, халқ ёшларни келажак турмуш учун ўзининг ҳаёт тажрибаси, билим даражасидан келиб чиқиб фарзандларини оилавий ҳаётга тайёрлайди. Биз ўзбек миллатининг этнопсихологик хусусиятларига хос аҳоли оилавий ҳаётга қизларни тайёрлашда фойдаланадиган айрим салбий установакалар ва уларнинг шахслараро муносабатларга кўрсатадиган таъсирини кўриб чиқамиз.

Миллий урф-одатларимизга кўра, қизларни оилага тайёрлашда энг аввало оналари ва бувилари муҳим рол ўйнашади. Бунда асосий эътиборни қиз болани кичиклигидан уй юмушларини бажаришга қаратилади. Оилага тайёрлик овқат пишириш, турли пишириқлар тайёрлаш, кир ювиш, дазмол қилиш, уйларни тозалаш, меҳмон кутиш ва қолаверса тушган хонадонидегиларнинг қош-қовоғига қараш энг муҳим масала сифатида қаралади. Қиз бола кичиклигидан юқоридаги юмушларни бажариш асносида атрофдаги ижтимоий муҳитдан турли

установкаларни ҳам ўз онгига сингдириб боради. Бунга мисол қилиб, “Агар чиройли иш қилмасанг қайнонанг ҳайдаворади”, “Биринчи ўринда қайнонангни кўнглини ол” ёки “Қайнона агар келинни ёмон кўриб қолса, ажраштирмагунча тинчимайди” деган установкани келтиришимиз мумкин. Мазкур салбий установкаларнинг атроф муҳитдан кўп бора эшитиши ва мисолларини кўриши бўлажак келиннинг қайнонани она эмас, балки зулмкор инсон сифатида қабул қилишига сабаб бўлади. Қайнона ўта муҳим инсон ва унга ёқиш керак деган установка қизларни янги оилада ўзини унутиши ва турмуш ўртоғидан ҳам қайнонасини устун қўйишига, қайнонаси нима деса ҳам айтганини бажариш лозим деган қарор билан ҳаракат қилишига олиб келади. Ўрнатилган установка сабаб келин турмуш ўртоғини эмас қайнонани юқорига қўйади. Ваҳоланки, динимизда турмуш қурган аёл учун энг аввало турмуш ўртоғи ва унинг хизматлари туриши кераклиги баён қилинган. Куёвнинг ота-онасига эса турмуш ўртоғининг ота-онаси бўлагани учун ҳурмат қилиб хизматларини қилиш белгиланган. Келинчакда мослашув жараёни қийин кечаётган бир пайтда ушбу салбий установка эр-хотин ўртасидаги шахсий муносабатларнинг бузилишига, севги-муҳаббат, бир-бирини кадрлаш, эзозлаш ҳисларининг совишига олиб келади. Бу хаттоки, интим муносабатларда ҳам акс этади. Авваллари интим муносабатлар чиройли ҳисларга бой бўлган бўлса эндиликда мажбурий тарзда ёки салбий ҳислар, ички норозичилик ва этирозлар билан ўтади.

Кизлардаги салбий установкалар борлиги учун улар шу установкага хос камчилик ва иллатни қайнонадан ахтара бошлайдилар. Борини-ку топишлари аниқ, ҳатто йўғини ҳам топишга ҳаракат қиладилар. [2]

Натижада келинчакда хотиржамлик бўлмайди. Қайнонасининг ҳар бир хатти-ҳаракатидан, бераётган тавсия ва ўғитларидан хатолар, камчиликлар излайди, унинг ёмон томонларини кўришни бошлайди. Ички низо айнан қайнонаси томон бошланади. Қайнонаси уни ажраштириб юбормаслиги учун барчасини ичига ютишга тўғри келса, баъзан эса буни юзага чиқариб, унга қарши бораётганини очиқ намоён қилади. У ҳамиша қайнонасидан кўрқиб, лекин ёмон кўриб яшайди. Натижада руҳий чарчоқлик ҳис қилади. Ўрнатилган установкаларнинг қанчалик тўғри эканлигининг исботини кўради. Мазкур ҳолат юзасидан атрофдагиларга айтадиган бўлса шахслараро муносабатларда конфликтлар келиб чиқади. Ўзининг яқинларига, дугоналари ва танишларига айтадиган бўлса, қайнона ҳақидаги салбий ўрнатилган установкаларнинг қанчалик ҳақиқат эканлигини такрорлаб, ўз ҳаётларидан мисоллар келтиришади.

Бундай салбий установакаларнинг такрор-такрор тасдиқланиши шахслараро муносабатларда психологик тўсиқлар пайдо қилиб, зиддиятлар ва низоларнинг зўрайишига замин яратади.

Мана шундай салбий установакаларга яна мисол қилиб “Аёл киши сабрли бўлиши керак”, “Аёл киши тушган хонадонидан сув келса симириб, тош келса кемириши керак” ҳамда “Аёл киши тушган хонадонидан гап ташимаслиги керак” деган установакани ҳам кўшиш мумкин. Ушбу установакалар бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий ҳам салбий характер касб этади. Тўғри аёл киши сабрли бўлиши, тушган хонадонидан гап ташимаслиги, шароитга мослашиши керак, аммо вазиятлар қурбони бўлиши, чорасини излашидан воз кечиши керак дегани эмас. Мазкур установаканинг мавжудлиги қизларнинг тушган хонадонидаги турли зўравонликларга ҳам чидашига, ҳеч кимга айтмаслиги ва натижада эса майиб-мажруҳ бўлиб қолишларига сабаб бўлмоқда. Қиз бола ушбу установакалар билан катта ҳаётга қадам қўйиб яшар экан ўзини руҳан ёлғиз хис қилади. Ўзини жабрдийда, ҳимоясиз сезади. Аёл бўлиб туғилганидан афсусланади, ўзини ва атрофдагиларни ожизлиги, чора тополмагани учун айблашни бошлайди. Ундаги бегоналашув эффекти эса ҳаётини фаровонликда ўтказишига халақит беради.

Шундай савол туғилади, нима учун биз қизларни бахтли ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини салбий установакалар билан тўлдираемиз? Нима учун ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятларида оилага тайёрлаш жараёнида ижобий установакалардан эмас, кўпроқ салбий установакалардан фойдаланилади? Оилаларнинг бахтли ва мустаҳкам бўлиши аввалги тасаввур ва установакаларга боғлиқ бўлса, инсон ўзи баъзан англамаган ҳолда шунга мос ҳаракат қилса, уларни салбийларидан ижобий установакаларга ўзгартирсак бўладими?

Ҳар қандай установакани алмаштириш ва ўзгартириш мумкин. Салбий установакани ўзгартиришдан аввал ушбу установака қанчалик инсоннинг ҳаётига ва шахслараро муносабатларга зарарли ёки фойдали эканлигини англаши лозим. Шундан сўнг эса салбий установакалар борлигини тан олиб унинг келтирган зарарларини топиб унга қарши ҳақиқатга мос ижобийсига ўзгартириш етарли бўлади. Масалан, “Агар чиройли иш қилмасанг қайнонанг ҳайдаворади” деган установакани – Қайноналар ҳамisha келинларини тушинишга ҳаракат қилишади. “Биринчи ўринда қайнонангни кўнглини ол” деган установакани Қайнонангнинг хизматини муҳаббат билан бажар, “Аёл киши тушган хонадонидан гап

ташмаслиги керак” деган установкани эса ҳақиқий қадрланадиган аёл айбни бировдан эмас фақат ўзидан қидиради га алмаштириш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда оилаларнинг мустаҳкам бўлиши учун катта эътибор берилмоқда. Кўплаб қарорлар имзоланиб, амалга татбиқ этилмоқда. Яраштирув комиссиялари ташкил қилиниб, ажримларнинг олидини олиш учун ҳаракат қилинмоқда. Аммо афсуски, оилалардаги ажримлар сони ортиб бормоқда ва уларнинг сабаблари ўрганилганда арзимаган бўлиб чиқмоқда. Асосий сабаб қилиб психологик билим ва оилавий сабоқларнинг йўқлиги, оилага тайёрмаслик топилмоқда. Чунки оилада соғлом психологик муҳитни яратиш ва баркамол етук шахсларни вояга етказиш учун махсус тайёргарлик ҳамда билимлар зарур. Қизларни оилага тайёрлаш жараёнларида келгуси ҳаётлари ҳақидаги тасаввурларини салбий установкалар билан эмас, балки ижобий установкалар бойитиш уларни ҳар бир инсонни тўғри тушинишлари, тўғри ёнда олшларига замин яратади. Ўрнатилган установкаларни эса ижобийларига алмаштириш оиладаги шахслараро муносабатларни яхшиланишига ва изга тушушига олиб келади. Натижада эса бахтиёр, фаровон, мустаҳкам оила бўлади ҳамда фарзандлари ҳар томонлама етук бўлиб вояга етади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Islomova N. Andullayeva D. "Ijtimoiy Psixologiya" // Toshkent 2015. // 82.b
2. G'. B. Shoumarov tahriri ostida. "Oila psixologiyasi" // Toshkent 2009. // 179.b
3. Тевелев В. "Зачем нужны психологические установки и почему они иногда меняются" . // <http://matzpen.ru/>.